415.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

Ўзбекистон Давлат Консерваторияси

# Курс иши

**Мавзу: Ўзбек миллий мусиқа мероси – Мўхтабар Боқиева мисолида**

Топширди: 2 курс ШМФ
талабаси Раҳмонова Н.

Текширди: Ойхўжаева Ш.

Тошкент – 2008

Мавзу: Ўзбек миллий мусиқа мероси – Мўхтабар опа мисолида.

Режа:

Кириш
Асосий қисм:

1) Халқ мусиқа ижодиёти.
2) Оҳангарон Боқиева Мўхтабар опа ижодидан лавҳалар.

Хулоса.

# — Кириш —

Мусиқий фольклор халқ оғздаки бадиий ижодиётнинг муҳим қисмини ташкил этади. У мазмунан серкўлам маъно касб этгани ҳолда хилма-хил шакл ва тур айтим-чолғу куйларда намоён бўлади. Унинг намуналари эса дастлаб маълум бир шахслар томонидан якка ёки жамоа иштирокида яратилиб, сўнгра эл орасида оғиздан-оғизга ўтиб оммалашади.

Ўзбек мусиқа маданиятида тарихан узоқ йўл босиб келган энг қадимий соҳалардан бири анъанавий мусиқа ҳисобланади. Ушбу мусиқа маълум тарихий даврларда шаклланиб халқ ва унинг етук намояндалари томонидан ижод этилган. У ўз ичига серқирра ва бой мавзули мусиқа жанрлари ва бой мавзули мусиқа жанрлари ва турларини қамраб олган. Булар ашула ва чолғу мусиқаси жанрларидир. Шулардан бири халқ мусиқа ижодиёти ёки мусиқа фольклоридир.

## — Асосий қисм —

Халқ мусиқа ижодиёти жанрлари = ижодкорлари аммо, халқ бўлган. Халқ ўзи ижод этган, ўзи ижро этган ва ўзи тинглаган.

Асрлар оша ушбу ижодиёт халқ томонидан сайқал олиб, сақланиб шу кунгача етиб келгандир.

Юқорида таъкидланганидек, халқ мусиқа ижодиёти анъанавий мусиқанинг асосий қисмини ташкил этади. Ушбу мусиқа ўтмиши қадимий замонлардан мавжуд бўлиб, бир неча гуруҳларга бўлинишини айтдик. Шулардан айтим мусиқасига - халқ қўшиқлари, йиғи-йўқловлари, айтимлари ва қўшиқ туркумлари киради. Шу туфайли фольклор - халқнинг хазинаси, маънавий, маданий ва бадиий бойлигидир.

Ўзбек халқ мусиқа ижодиёти турли хил вазиятлар билан боғлиқ бўлган ҳолда ижро этилади.

Булар, масалан; халқ маросимлари, меҳнат жараёнлари, табиат ҳодисалари ва ҳоказолари билан боғлиқ. Шу жумладан, ибн Синонинг „бешик инсонни жисмоний камолотга етказса, алла маънавий камолотга етказади",- деган сўзлари ёдимизга келади. Аммо вазият билан боғлиқ бўлмаган халқ мусиқа ижодиёти намуналари ҳам бор. Улар маълум жанрларга бўлинади. масалан; терма, қўшиқ, лапар, ялла, ва ашула жанрларидир. Ўзига хос бу жанрлар ўз мавзуи, мазмуни, куй тузилишлари, усуллари ва ижро услублари билан ажралиб туради. Булар турли воҳа ва ҳудудларга тарқалган ва маҳаллий ижро анъаналарига бўйсунган намуналардир.

Мен суҳбатидан баҳраманд бўлган инсон ҳам айнан шу ўзбек халқ мусиқа ижодиёти йўналишида озми-кўпми ижод ва ижро қилган мусиқа шинавондаси Боқиева Мўътабар опадир. Улар Оҳангарон тумани Шут қишлоғида 1960 йилнинг сентябрь ойида таваллуд топганлар. Оталари — Худойберди Шут қишлоғининг энг меҳнатсевар инсонларидан бўлганлар.

Оналари эса ҳунарманд чевар, каштачи бўлганлар. Мўътабар она ёшликларидан санъатга қизиққанлар, лекин шароит туфайли санъатдан йироқлашганлар. У киши тўй-маросимларда, келин кириб келганда айтиладиган – „Улан", „Ёр-ёр", „Келин салом", „Лапар" каби намуналардан ижро этишган, мазкур намуналарни катталардан эшитиб ўрганганлар.

Кейинчалик ҳаёт, турмуш ташвишлари билан санъатдан узоқлашдилар. Она касблари бўлмиш каштачилик билан шуғулланиб келмоқдалар. Мен улардан фарзандлари тўғрисида сўраганимда, улар: „Икки ўғил ва бир қизим бор. Фақатгина кичик ўғлим менга ўхшаб санъатга қизиқади," – дедилар.

– Уни санъат соҳасида кетишини ҳоҳлармидингиз? – деган саволимга,

– Бунга асло қаршилигим йўқ, албатта. Агарда қизиқса, шу йўлдан кетганига хурсанд ҳам бўламан, – деб жавоб қилдилар.

Сўзларининг якунида ташриф буюрганимиз учун ўз миннатдорчиликларини билдириб, қисман намуналаридан ижро қилиб бердилар.

Шулар жумласидан „Хоразм халқ куйи", „Тановар", „Эй нозанин", „Наҳори нашта", „Наманганнинг олмаси" каби куй – қўшиқлар. Қаҳрамонимиз уларни шу даражада катта маҳорат билан ижро этдиларки, ҳатто уларнинг оддий ҳаваскор эканлигига таажубланиб ҳам қолдик.
Мазкур намуналардан „Хоразм халқ куйи" ва „Тановар" қўшиқлари $\frac{4}{4}$ – шаклда, „Наманганни олмаси", ҳамда „Эй, нозанин" $\frac{2}{4}$, „Наҳори нашта" қўшиғи эса $\frac{6}{8}$ такт – ритм ўлчовида ёзилган.

1) Хоразм халқ куйи.

2) Тановар

3) Наманганни олмаси

4) Эй, нозанин

5) Наҳори нашта

d фригий

# Хоразм халқ куйи




h фригий

# Шановар



Ф миксолидий Наманганни олмаси



c moll

# Эй. нозанин.



e moll Нақори нашта



# — Хулоса —

„Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мана шу халқимизнинг урф-одатлари, маросимлари ва анъаналарига берилаётган эътибор, уларни тиклаш ва кейинги авлодга етказиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар Мустақиллик туфайли эришган ютуқларимиз билан бевосита боғлиқдир".
Зеро, юртимизнинг келажаги бўлган ёш авлодни, энг аввало, миллий анъаналар, тарихимиз билан ғурурланиш руҳида тарбиялаш масалаларига давлат томонидан эътибор берилиши бу соҳанинг мамлакат ва миллат учун нақадар муҳимлигини белгилайди.

Халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш, ёзиб олиш чоп эттиришга катта эътибор берилаётган бир даврда ана шу дурдона намуналарни катта саҳналарга олиб чиқишга эришилаётганини кўришимиз мумкин.

Четга чиқиб миллий қўшиқларимизни ёзишдан мақсад шуки, биринчидан миллий қўшиқларимиз сақланиб қолади, иккинчидан ундан келажак авлодга етиб боради, ва ўргана бошлайди.

Қолаверса миллий қўшиқларни ўрганиш, ўтмишни ўрганишдан келажак яратилади.

Президентимиз И.А. Каримовни: „Халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади" деб айтган ишорий сўзларини унутмаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1) Ў. Тошматов. „Фольклор қўшиқлари", Тошкент - 2003. „Халқ мероси" нашриёти.

2) Ғ. Қўчқоров. „Фольклор қўшиқчилиги", Тошкент - 2005, „Билим" нашриёти.

3) „Ўзбек мусиқа тарихи", Тошкент - 1981.

4) „Ўзбекистон санъати", Тошкент - 2001.

Мундарижа

Кириш - - - - - - 3

Асосий қисм - - - - 4

Хулоса - - - - - 8

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати - - - 10

Нота намуналари - - 11